O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!*

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2000 йил 23 май, сешанба | № 21 (173) | Сотувда эркин нархда

БУГУНГИ СОНДА:

СОХТА ДИПЛОМЛИНИНГ КУРСИСИ ОМОНАТ

«МАШҲУРЛИКНИНГ ШИРИН ТАШВИШЛАРИ КЎП...»

СИРЛИ ТОВУҚ
*Ёхуд тухум сиртидаги ёзувлар*

## ТАДБИРКОР: УНГА КИМЛАР МАДАДКОР?

Ислоҳотга масъуллик

Тўрт ойдирки тадбиркорнинг бағрига шамол тегиб қолди. «Ишим битармикан», деган минг бир истиҳолада эшик олдида соатлаб кутган тадбиркор энди ичкарига дадил кирадиган, мақсадини тортинмай айтадиган бўлди. Тинка-мадорни қуритадиган ортиқча қоғозбозлик, ҳисоботбозлик, сарсонгарчилик, текшир-текширлардан қутилди. Кўнгилларида умид учқунлари аланга олиб ташаббусга, ишга иштиёқ уйғонмоқда. Бугун республикамизнинг қай гўшасида бўлманг, буни сезишингиз қийин эмас.

1999 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида юртбошимиз қилган маърузадан сўнг тадбиркорлар олдидаги қатор бюрократик тўсиқлар олиб ташланди. Хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес, ерга хўжайинлик туйғусини қалбига туйган деҳқон-фермер фаолиятини барқарор ривожлантириш йўллари очиқ-ойдин кўрсатилди. Вазирлар Маҳкамаси ушбу мажлисининг қарорида турли вазирлик ва идораларга тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, эркин ишлаш учун уларга шароит яратиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Хўш, Самарқанд вилояти, Гўзалкент туманида хусусийлаштириш, тадбиркорларга кўмак бериш, улар фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг аҳволи қандай? Саволга жавоб топиш мақсадида у ерда бўлдик.

- Туманимизда 19 минг 900 гектардан зиёд суғориладиган майдон мавжуд, - деди туман ҳокимлиги корхоналарни рўйхатга олиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Саид Мирзаев. - Ана шу майдоннинг қирқ фоизи фермер ва деҳқон хўжаликлари ихтиёрида. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан икки бараварга кўпайди. Жорий йил якуни билан эллик фоиз суғориладиган майдон деҳқон ва фермерлар ихтиёрига ўтиши кўзда тутилмоқда. Айни чоғда 509 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаяпти. Деҳқон хўжаликлари 477 та. Уларнинг бештаси ҳозирча юридик шахс мақомига эга. Ўттиз саккизтаси эса пенсия жамғармасига аъзо. Кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчилар 700, якка тартибда тадбиркорлик билан машғул бўлганлар 268 нафарни ташкил этади.

2-бет

## ТАДБИРЛАРДАН КЎНГЛИМИЗ ТЎҚ

**Президентимизнинг 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиши, ҳукуматимиз томонидан «Соғлом авлод дастури»нинг ишлаб чиқилгани ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган эзгу иш бўлди. Зеро, жисмонан бақувват, ақлан расо авлод жамият тараққиётининг, Ватан барқарорлигининг гаровидир.**

*Изҳор*

**Умуман, соғлом авлодни камол топтириш Ватанимиз мустақилликка эришгандан кейин мунтазам равишда Юртбошимиз ва ҳукуматимиз диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. 1993 йили «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ташкил этилгани, шу йили «Соғлом авлод учун» орден таъсис этилгани бунинг далилидир. Таъкидлаш жоизки, ёш авлодни жисмонан, ақлан ва маънавий жиҳатдан етук қилиб камол топтиришда, уларда шарқона одоб, умуминсоний қадриятлар, демократик тамойилларга рағбат уйғотишда Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармасининг ҳиссаси сезиларли даражада бўлмоқда.**

**Тошкент Давлат юридик институтида фаолият юритаётган «Камолот» жамғармаси бўлими кам таъминланган ва ногирон талабаларга моддий ёрдам кўрсатиб келаётир. Яқинда институтнинг мажлислар залида ногирон ёшларнинг кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмага истеъдодли ёш мусаввирларнинг асарлари қўйилди. Бу кўргазма институт талабаларида катта таассурот қолдирди ва ёш ногирон рассомларга институт томонидан моддий ёрдам кўрсатилди.**

**Институтда Соғлом авлод йилига бағишланган тадбирлар мунтазам амалга ошириб келинмоқда. Яқинда «Адолатли жамият сари» мавзуида илмий конференция бўлиб, унда асосан, қонун устуворлиги юзасидан талайгина фикр-мулоҳазалар билдирилди. Амалиёт билан бевосита боғлаш мақсадида институтда суд процессини ўтказиш ҳозирда кенг йўлга қўйилган. Бу каби тадбирлар, шубҳасиз, маънавий жиҳатдан соғлом фикрли ёшларни шакллантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётир.**



**Олим НАРЗУЛЛАЕВ,**
**ТДЮИ талабаси**

*Хоразм томонларда*

## «СОҒЛОМ АВЛОД» ДАСТУРИ АМАЛДА

***Хоразм вилоятида «Соғлом авлод йили» муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар янги босқичга кўтарилди.***

Вилоят ҳокимлиги муқаддам истиқболимиз эгаларининг жисмоний баркамоллигини таъминлаш, таълим-тарбия савияси ва шарт-шароитларини яхшилаш билан боғлиқ қатор амалий тадбирлар ва анжуманларга бош-қош бўлган эди. Навбатдаги босқичда ёшларнинг маънавий-ҳуқуқий, ахлоқий ва руҳий дунёсини бойитиш масалалари диққат марказига олинди.

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан шу йўналишда ўтказилган қўша анжуман бу борадаги ишлар, вазифалар, режалар, масала ва муаммоларга бағишланди.

«Ёшларга ҳуқуқий таълим ва тарбия беришни кучайтириш — давр талаби» мавзуидаги илмий-амалий анжуманни ҳокимлик ижтимоий-мафкуравий масалалар мажмуасининг таклифи ва тавсиясига биноан Республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг вилоят бўлими (раҳбари М.Жумамуродова) уюштирди.

Анжуманда сўзга чиққан вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Йўлдош Бобожонов, республика «Камолот» жамғармаси вилоят ташкилотининг раҳбари П.Ибодуллаев, Боғот тумани ҳокимининг муовини К.Худойберганов, вилоят ИИБ ходими М.Худойбергановларнинг нутқларида ҳам маънавий-ҳуқуқий ва ахлоқий тарбиянинг муҳим жиҳатлари амалий ифодасини топди.

Республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази раҳбари У.Бозоров ёшлар тарбияси жараёнларини ҳуқуқий маърифий тадбирлари билан янада изчил ва мустаҳкам боғлаш соҳасидаги вазифаларга кенг тўхталди.

* * *

«Ёшлар ва миллий маънавият». Вилоят ҳокимлигида ўтказилган навбатдаги семинар ана шу муҳим ва долзарб мавзуга бағишланди. Унда республика жамоатчилик фикрини ўрганиш «Ижтимоий фикр» Марказининг бир гуруҳ етакчи олимлари ва тадқиқотчилари иштирок этдилар.

Мустақил Ўзбекистон жаҳондаги илғор демократик андозалар сари интилаяпти. Истиқболимиз эгалари саналган ёшлар бу йўлдан илк бора қадам ташлаб ўтишади. Таъбир жоиз бўлса йўлни ҳам ўзлари солишади. Ёшларнинг бундай юқори салоҳият соҳиби бўлиб етишишлари учун эса ишончли мафкуравий пойдевор зарур. Бу пойдевор бизнинг миллий мафкурамиздир. Муқаддам эгалланган билимларга қараганда ўн чандон кўп билим қўшилгандагина бу муҳташам «қаср»нинг асл меъморлари камолга етади.

Анжуманда маърузалар билан чиққан «Ижтимоий фикр» Маркази директорининг ўринбосари О.Отамирзаев, Марказнинг бош илмий ходими М.Бекмуродов, етакчи илмий ходимлар Ў.Қаюмов, З.Райимжоновлар бу соҳадаги долзарб вазифалар, масала ва муаммоларнинг амалий ҳамда назарий жиҳатларини таҳлил этишди.

***

Ватани ва халқини чин дилдан севганлар ҳар қандай машаққатларга ҳамиша мардонавор дош беришади, шу йўл билан эл-юрт синови ва имтиҳонларидан ўтишади. Вилоятнинг Урганч туманида жойлашган муаззам отчопардаги ҳарбий-амалий спорт мусобақаларини кузатганлар шу фикрни дилдан ўтказган бўлишса ажабмас. Бундай дейишимизнинг боиси шуки, баҳсларнинг иштирокчилари гарчи у машқ ва синов эса-да, ҳақиқий довюраклик, чапдастлик, эпчиллик, ғайрат ва матонат намуналарини намойиш этдилар. Ҳаёт учун хавф солиши мумкин бўлган мусобақалар, синов машқларида ҳам ўзларини йўқотмадилар. Юксак ҳарбий ватанпарварлик намуналари намойишига айланган мазкур мусобақалар «Биз - Амир Темур авлодлари» шиори остида ўтди. Эслатиш жоизки, мусобақалар ўтказилган отчопар мажмуаси ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи Жалолиддин Мангуберди номидаги махсус лицей талабалари томонидан оталиққа олинган ва уларнинг ўқув-машқ базаси ҳисобланади.

Мусобақалар муросасиз ўтди. Унда мазкур лицей ўқувчиларидан ташқари Тошкент шаҳри, Фарғона, Андижон, Самарқанд вилоятлари халқ таълими бошқармалари қошидаги ихтисослаштирилган ҳарбий лицейларнинг 200 нафарга яқин истеъдодли спортчи-талабалари куч синашдилар.

***

«Соғлом авлод йили» муносабати билан ёшларнинг маънавий ва жисмоний баркамоллигини таъминлашга қаратилган туркум илмий-амалий тадбирлар маҳаллий ҳокимият маҳкамалари раҳнамолигида ўтказилаётгани айни муддао. Юқорида зикр этилган иккала анжуманда ва ҳарбий-спорт ўйинлари қатнашчилари ҳузурида вилоят ҳокими ўринбосари Б.Раҳимов сўзга чиққани, бош-қош бўлгани, шунингдек, вилоят ҳокимлиги, республикадаги бир қатор тегишли вазирликлар, идоралар, ташкилотларнинг масъул ходимлари мазкур амалий-назарий тадбирларда иштирок этишгани ёш авлод тарбияси, мукаммал тафаккури, мафкураси, дунёқараши учун мамлакатимизда жиддий ва изчил равишда иш олиб борилаётганидан далолат беради.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

Газета аралашгач...

## СУДГА ОШИРИЛДИ

**«Фермер бўлиб боғ қилайми, қўриқчилик?»**
**(«Инсон ва қонун», 2000 йил 18 апрел)**

**Чорток тумани ҳокимлиги юқоридаги сарлавҳали мақолани атрофлича ўрганганлигини, бу ишда Наманган вилоят адлия бошқармаси, туман ҳокимлиги, ички ишлар бўлими ходимлари, Сарой қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда ариза муаллифи Эркинбой Йўлдошевнинг шахсан ўзи иштирок этганлигини маълум қилади.**

**Ҳақиқатан ҳам «Қўчқоробод» хусусий фермер хўжалигининг мавжуд экинзорларига ён атрофда яшаётган фуқаролар Т.Тожибоева, К.Бойматова, З.Жўраевлар муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилганликларига қарамай, ўзларига тегишли хулоса чиқармай, шахсий уй ҳайвонлари Э.Йўлдошевнинг боғига кириб, экинларни пайҳон қилиб, фермер хўжалигига моддий зарар етказилганлиги аниқланди.**

**Вилоят адлия бошқармаси, туман ҳокимлигининг амалий ёрдамлари билан Э.Йўлдошевнинг 2000 йил 22 апрелдаги аризаси тезкор ҳолатда туман ички ишлар бўлимида рўйхатдан ўтказилди ва маъмурий иш қўзғатилиб, ҳужжатлар Чортоқ туман судига юборилди.**

**Масала қишлоқ фуқаролар йиғинида кенг муҳокама қилиниб, хусусий тадбиркорлар ва фермер хўжаликлари ҳуқуқларини ва мулкини ҳимоя қилиш бўйича тегишли тадбир-чоралар кўрилди, мазкур ҳолатларни қайта такрорламаслик юзасидан қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини идораларида тушунтириш ишлари олиб бориш йўлга қўйилди.**

**Б.ҲАЙДАРОВ,**
**Чортоқ тумани ҳокими**

## НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

**Газетанинг 2000 йил 25 апрелидаги сонида «Жиянимга ўғлим деб пул бергандим, еб кетди» сарлавҳали мақола чоп этилган. Унда даъвогар К.Орипованинг пуллари жавобгар М.Боймусаевдан ундирилмаётгани ва бошқа ҳолатлар баён этилган эди.**

**Тошкент вилояти прокуратурасидан мақолада келтирилган барча важларни иш материалларини ўрганиш йўли билан текшириб, қонуний қарор қабул қилиш ва кўрилган чоралар ҳақида муҳарририятга маълумот берилиши назоратга олинди.**

**Ислом ЖАСИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари**

*Қарор ва ижро*

## ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ-ҲАЁТИЙ МАСАЛА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар», деб кўрсатилган. Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодексида эса: «Ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт. Болаларнинг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир, уларнинг соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт», дея таъкидланади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод дастури тўғрисида»ги қарори вилоят адлия бошқармаси, унинг тизимидаги нотариат, айниқса, туман ва шаҳар ФҲДЁ ходимлари томонидан қизғин маъқулланди. Жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, тиббиёт ходимлари ва манфаатдор ташкилот ҳамда идоралар ҳамкорликда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, дастурда кўрсатилган вазифаларни белгиланган муддатларда бажаришни ўзларининг бурчи сифатида қабул қилдилар. Мазкур қарор ва дастурларда кўрсатилган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида ҳаётда учраб турадиган нохуш ҳодисалар, хусусан, вилоятимиз бўйича 1999 йили 1998 йилга нисбатан никоҳдан ажралганлик ҳолатларини қайд этиш 148 тага, оталикни белгилаш ҳолатларини қайд этиш 305 тага камайган.

Соғлом авлод келажагимиздир. Шунинг учун соғлом авлодни тарбиялаш вазифаси умуминсоний қадриятлардан хабардор, маънавий жиҳатдан бой, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришни ўз ичига олади. Республикамиз мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб амалга оширилган эзгу ишлар, яъни камтаъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, бола 2 ёшга тўлгунга қадар оналарга, 16 ёшга тўлмаган боласи бор оналарга нафақалар жорий этилиши, турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлари, ёшлар тўғрисидаги ғамхўрликнинг бир қисмидир.



Албатта, соғлом авлодни шакллантириш бир-икки йилда амалга ошадиган иш эмас ва бу эзгу ишлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Нуроний», «Камолот» жамғармалари ва уларнинг жойлардаги вакиллари билан ҳамкорликда изчил олиб боришни талаб этади. Чунки баъзи ота-оналарнинг ўз фарзандлари тарбиясига бепарво қарашлари оқибатида айрим ёшларимиз ғаразли ниятдаги кимсалар таъсирига тушиб қолмоқдалар. Шунинг учун ёшларимизда қонунларга ҳурмат ҳиссини уйғотишимиз, уларнинг Конституциямизнинг ҳар бир моддасини муфассал билишига эришишимиз лозим. Бунинг учун юқорида кўрсатилган ташкилот ва муассасаларнинг, ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалиётчи ходимларни маҳалла ва мактаб ҳамда ўқув юртларига бириктириб қўйиб, ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар ва бошқа тарбиявий тадбирларни ўтказиб боришимиз зарур.

Агар бир ёқадан бош чиқариб, ҳаётий масала — ҳуқуқий тарбияга бурч ва масъулият билан ёндашсак, жамиятимизда ҳуқуқий маданиятга ва ёшларимизни ҳар томонлама камол топган етук шахс бўлиб етишишига эришамиз.

**Ш.ОЧИЛОВ,**
**Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари**

*Изланишлар...*

## ЭКСПЕРТИЗАЛАР СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАБ

Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини суд экспертизаларисиз тасаввур қилиш қийин. Энг мураккаб жиноятларни фош қилишда, жиноятларни инкор этиб бўлмайдиган, илмий асосланган далиллар билан асослашда Республика Адлия вазирлигининг Х.Сулаймонова номидаги илмий-тадқиқот криминалистика маркази жамоаси фаол меҳнат қилиб келаётир. Жамоа асосий эътиборни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан тайинланган экспертизаларни бажаришга, айни пайтда суд экспертизасининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар ўтказишга қаратган. Марказ ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йилги «Ўзбекистон Рспубликаси Адлия вазирлиги экспертиза хизматини ривожлантириш тўғрисида»ги қарори, Адлия вазирлиги ҳайъатининг қарор ва кўрсатмалари асосида, аниқ белгиланган иш режалари асосида олиб боради. Муваффақият билан амалга оширилаётган чора-тадбирлар экспертизаларнинг сифатини таъминлашга, ходимлар касб маҳоратларини оширишга, экспертиза тадқиқотларини амалиётга тезроқ жалб этишга имкон яратмоқда.

Ўтган йили бошланган экспертизанинг янги турларини ташкил этиш, янги жиҳозлар билан таъминлаш, ташкилий масалалар, яъни суд экспертизасини ривожлантириш бўйича дастурни амалга ошириш ишлари муваффақиятли давом эттирилмоқда. Марказ Марказий Осиё ҳудудида наркотик воситалар ва психотроп моддаларни аниқлаш, текшириш бўйича етакчи муассаса сифатидаги мавқеини сақлаб келмоқда. Унинг фаолияти БМТ назоратчи экспертлари томонидан яна бир бор юқори баҳоланди.

Шунга қарамай, кейинги пайтларда чет эл технологиялари билан танишиш, замонавий ва ўта сезгир аналитик асбобларни криминалистика амалиётида қўллаш масаласига бағишланган илмий-амалий семинарлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Хусусан, Хьюлет-Паккард ва Перкин-Элмер фирмалари билан ҳамкорликда уюштирилган шундай семинарлар Марказ фаолиятида самара бериши шубҳасиз.

Албатта, янги техникаларни жорий этиш суд экспертизасининг имкониятларини кенгайтиради, экспертиза хулосаларининг асослилигини кучайтиради. Мазкур масала Марказ раҳбариятининг доимий эътиборида. Айни замонда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари мурожаатларига кўра Республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази томонидан ДНК экспертизасини ташкил қилиш масаласи амалга оширилмоқда. Шу билан бирга ҳозирги пайтда зарур асбоб-ускуналар базасини янгилаш, айниқса, махсус криминалистик мосламалар (хроматографик техника), электрон ҳисоблаш техникасига зарурат сезилаётир. Бу борада Адлия вазирлиги томонидан кўрсатилаётган ёрдам бу масалани қисман ҳал этишга имкон бераётир, холос. Марказда амалга оширилаётган экспертизалар сони эса йилдан-йилга ошиб бораётир. Масалан, бу кўрсаткич 1995 йил 3913 та бўлса, 1998 йилга келиб 8178 тага етган. Бу вақт мобайнида экспертлар сони 1991 йилга нисбатан ўнтага камайган. Агар 1999 йили Марказ ходимлари томонидан жами 8178 та экспертиза бажарилганини инобатга олсак, айни пайтдаги мавжуд имкониятлардан икки баравар кўп иш бажарилаётгани ва бу ҳол қўшимча эксперт штатлаига эҳтиёж катта эканлигини кўрсатади.

*Судьялар ҳаёти*

# ЮКСАК ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ

Наманган шаҳар судининг раиси Эшондеда Бурхонов қабулхонаси. Ёши етмишлар чамасидаги онахон навбат кутиш учун ёнимизга келиб ўтирдилар. Ёрдамчи ходим биздан узр сўраб: «Раисимиз қарияларни навбат кутиб толиқиб қолишмасин деганлар. Агар онахон сиздан аввал кириб чиқсалар майлими?» деди. Шу топдаёқ кексаларни улуғлаб келаётган Эшондеда акага ҳурматимиз ошди.

У киши бизни очиқ кўнгиллик билан кутиб олди. Бу даргоҳга қадам қўйганимизда суд раиси ҳақида мақола ёзиш умуман хаёлимизда йўқ эди. Аниқроғи, хизмат юзасидан мутлақо бошқа масалада ташриф буюргандик. Бу инсондаги камтарлик, самимийлик дилдан суҳбат қилишимиз учун имкон яратди.

Эшондеда ака Чортоқ туманининг Короскон қишлоғида, деҳқон оиласида туғилган. Интернатда ўқиган кунларини завқ билан хотирлайди. Болаликда кўпроқ ижтимоий фанларга қизиқар, айниқса, адабиётни севарди. Бир куни унинг қўлига ёзувчи Артур Конан Дойлнинг «Шерлок Холмс» китоби тушиб қолди. Жиноятчиларга қарши кураш, адолатни қарор топтиришга ишонч мурғак қалбга муҳрланиб қолди. Ҳуқуқшуносликка астойдил ҳавас қилди. Орзулар Эшондедани Тошкент Давлат Университети ҳуқуқшунослик факультетига етаклаб келди. Шу йилларда энг севган маскани кутубхона бўлди. Ўйин-кулгуни хуш кўрувчи баъзи оғайнилари уни китобга муккасидан кетиб мутолаа қилаётганини кўришса, «Шу кетишингда шаҳарга қози бўласан», дея ҳазиллашишарди. Бу воқеага ҳам роппа-роса 27 йил бўлибди.

Ўқишни тугатгач, ҳуқуқшунос вилоят ички ишлар бўлимида терговчи вазифасида иш бошлади.

Ўқиш бошқа, иш бошқа эканлигини Эшондеда ака меҳнат фаолияти давомида тушуниб етди.

Жиноятчиларни қидириб топиш, тергов, айбига иқрор қилиш қанчалар сабр-бардош талаб қилса, у ҳаммасининг уддасидан чиқди. Кейинчалик Эшондеда ака адвокатлар уюшмасига ишга ўтди. Айбланувчи ва судланувчиларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, адолатни қарор топтириш асосий бурчига айланди. Ҳа, адвокат учун оқланган бегуноҳ кишининг кўзларидаги севинч ёшларини кўришдан ортиқ мукофот бўлмаса керак.

Меҳнат фаолияти давомида Давлатобод тумани, кейинроқ вилоят судида судья лавозимларида ишлади.

Адолат тарозусини тенг тутиб ишлаганлиги боис ҳам Ўзбекистон Олий судида судья бўлиб ишлашга муяссар бўлди. Бу даргоҳда мустақил юртимиз қонунчилигини мустаҳкамлашга йўғрилган қонунлар ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишга катта ҳисса қўшди. Ҳуқуқий жамият қуриш борасида ҳам, ёш давлатимиз фуқаролари ҳуқуқини қонун йўли билан мустаҳкамлаш, чет элларда ўз қонунларимиз нуфузини ошириш саъй-ҳаракатларининг фидойиларидан ҳисобланди. Ёш мутахассисларни тарбиялаш, уларга ҳуқуқий билимлар бериш, жиноятчиликнинг олдини олиш, халқнинг осойишталигини таъминлаш ишлари кундалик вазифасига айланиб қолди.

Муҳтарам юртбошимиз И.А.Каримов Олий Мажлис сессияларида сўзлаган маърузаларида «Суд фақатгина жазоловчи орган сифатида танилмасдан, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳақиқий мустақил органга айланиши, судга ҳамма ҳурмат билан қараши лозим», деган сўзларнинг исботини Эшондеда Бурхонов фаолияти мисолида кўришга муваффақ бўлдим, десам муболаға эмас.

Бир куни Эшондеда акани кўрган бир отахон уларни бағрига босиб, адолатли ҳукми учун дуо қилганига гувоҳ ҳам бўлдим. Ҳа, яхшилик ерда қолмайди. Президентимиз томонидан тайинланиб, шундай юксак ишончни оқлаш масъулияти ҳаммага ҳам насиб этавермаслигига яна бир бор иймон келтирдик.

**Васила ТУРДИБОЕВА**



Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси жорий йилнинг дастлабки чорагида 2017 та нотариал ҳаракатни амалга оширди. 4 миллион 216 минг 588 сўмлик давлат божи ундирилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1 миллион 245 минг 239 сўм зиёддир.

*Суратда: нотариал идоранинг бир гуруҳ ходимлари иш устида.*

**Бобоқул АБДУРАСУЛОВ олган сурат**

*Ана холос!*

# СОХТА ДИПЛОМНИНГ КУРСИСИ ОМОНАТ

**Мўйдин Мамажонов Олтиариқ туманида давлат солиқ инспекциясида солиқ инспектори бўлиб ишлаб юрганида ишига пишиқ, уддабуронлиги, киришимлиги боис вилоятдан келган раҳбарларга ёқиб қолган эди. Ўшанда катталардан бири: «Мўйдинжон, келажагингиз бор, кўз тегмасин, ишни шундай олиб бораверинг. Рўйхатимизда борсиз, озми-кўпми хизматиимзни қилаяпсиз, инобатга оламиз, албатта», деб умидвор қилган эди.**

**Мўйдинжон эса вилоятдан келган катта-ю, кичикка хизматини аямас эди. Бироқ кўнглининг бир томони ғаш, чунки яқинда уни кадрлар бўлимига чақиришиб, бошлиқ шахсий ҳужжатларингизни суриштириб қолди, янгилик бўлиб қолса ажабмас, деди. Унинг дилига ғашлик солган нарса олий маълумотли дипломи йўқлигида эди. Бошлиқ чақириб, аттанг Мўйдинжон, ниятим яхши эди, маълумот чатоқ-ку, деб қолса нима бўлади?**

**Мўйдинжон институтга уч марта ҳужжат топшириб, ўта олмаган эди. Тез кунда бунинг иложини қилмасам бўлмайди. Шу кунларда Андижонга бориб, таниш-билишларни ишга солишим керак.**

**Мўйдинжон Андижонга бориб, танишига учрашганда, таниши уни анча калака қилди: «Сизга айтмаганмидим ўшанда, диплом тўғирлаб берай, 5-6 йил ўқиб юрасизми деганимда, худога шукр ақлим бор, жиноятга қўл урмайман, деган эдингиз...У пайтда анча арзон эди. Энди жуда қийин бўлиб кетди, биродар». Бироқ Мўйдинжон оёғини тираб туриб олди. «Майли, қанча бўлса ҳам, вақт ғанимат». Таниши ишни битирди, пулини олиб, Тошкент халқ хўжалиги институтини 1986-91 йилларда ўқиб, «Молия ва кредит» ихтисослиги бўйича маълумот олганлигини 541-сонли рўйхат рақами билан қайд эттириб, 1991 йил 1 июлдан Мўйдин Мамажонов номига сохта маълумотларни чиройли қилиб ёзиб берди.**

**Мўйдинжон дипломни нотариусдан тасдиқлатиб, нусхасини вилоят давлат солиқ бошқармасининг кадрлар бўлимига топшириб юборди. Нафасини ростлаб, ширин хаёллар, бўлғуси амал поғоналарини ўйлай кетди. Ўйлаганича бор экан, бошлиқ чақириб, 1998 йили Мўйдин Мамажоновни сохта дипломи билан Риштон давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг ўринбосари вазифасига тайинлади.**

**Ҳа, Мўйдинжоннинг омади юришган эди. Ўша йилнинг ўзидаёқ вилоят давлат солиқ бошқармаси раҳбарлари Риштон тумани давлат солиқ инспекциясига бошлиқ этиб тайинлаш юзасидан Республика Давлат солиқ қўмитасига тавсия киритиб юборишди. Бир йил ичида аввал ўринбосар, кейин бошлиқ - айтишга осон. Мўйдинжон Мамажоновнинг оёғи ерга тегмай қолди. Қуллуқ қилувчилар кўпайди. Бир пиёла чой устида суҳбатингизни олай дегувчилар навбатда турадиган бўлишди.**

**Шундай қилиб, Мамажонов 1999 йилнинг декабр ойигача сохта диплом билан бошлиқ лавозимида ширин хаёллар оғушида маст бўлиб, давлатдан 1999 йилнинг 26 ноябрига қадар ноқонуний тарзда 146177 сўм иш ҳақи, 76819 сўм мукофот пули олди, шунингдек, 110534 сўмлик автотранспорт ва алоқа хизматларидан фойдаланди.**

**Кўза кунда эмас, кунида синади деганларидек, сир фош бўлди: сохта дипломнинг миси чиқди. Мўйдин Мамажонов келтирган зарарни чўнтагидан қоплади, албатта. Лекин унинг масъулиятли идораларда сохта диплом билан кўзбўямачилик қилгани бир умрга етарли шармандаликни бўйнига осди.**

**Бу қинғирликнинг фош бўлиш сабаби эса оддий: нияти бузуқнинг эртами-кечми юзи шувит бўлади.**

**Эрдавлат ОДИЛОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири**

*Мактуб*

# ТАЛАБАЛАР МАМНУН

Жамиятда кишиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муҳим талаблардан биридир. Аммо бу бугун айтилаётган янги гап эмас. Янаям аниқроқ гапирадиган бўлсак, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни мужассам этиш учун саводли, маърифатли ҳуқуқшунослар керак. Собиқ иттифоқ инқирозга юз тутгач, таълим тизимида фойдаланиб келинган минглаб адабиётлар, жумладан, ҳуқуқий адабиётлар ҳам эскириб, ўз қимматини йўқотди. Кўплаб ўқитувчилар олдида «Энди ўқувчи-талабаларга сабоқ бериш учун қандай китобларга, қайси манбаларга таянсам бўлади?» деган муаммоли савол кўндаланг бўлди. Ижодий изланувчан, ташаббускор педагоглар, ҳуқуқшунослар тез орада бунинг ечимини топишди. Энг муҳими, биз талабаларга сабоқ бераётган муаллимларимиз илгаридан ҳам вақтли матбуот нашрлари, айниқса, илмий-ҳуқуқий журналлардан кенг фойдаланадилар. Баъзи пайтлар дарсларимиз «ҳаётий дарс»ларга - суд залларига, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларига «кўчган» ҳолда давом этади.

Биз, талаба-ёшлар бундай имкониятларни юзага келтирган истиқлол шарофатидан беҳад мамнунмиз.

**Латофат ҲАКИМОВА,
Ҳасан ҲАЙИТОВ,
Термиз политехникумининг ҳуқуқшунослик бўлими талабалари**

(Боши 1-бетда)

# ТАДБИРКОР: УНГА КИМЛАР МАДАДКОР?

Туман ҳокимлиги хусусийлаштириш, тадбиркорликни ривожлантиришга долзарб масала сифатида қарамоқда. Шу боис туманда ҳафтанинг ҳар шанба куни тадбиркорлар куни, деб эълон қилинган. Шу куни тадбиркорларнинг ибратли ишлари ўрганилади, муаммоларига ечим ахтарилиб, уларга ўқув, маслаҳат бериш ишлари алоҳида эътиборда тутилади.

### Ислоҳотга масъуллик

Феврал ойи охирида туман ҳокимлиги қошида уй шароитида тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича доимий кўмаклашувчи ишчи гуруҳи тузилган экан. Ишчи гуруҳининг бирламчи тадбирига ўнта ҳунармандни биринчи марта микрокредит билан таъминлаш режалаштирилган. Яқинда эса туман ҳокимлиги қарори билан кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш тузилган. Булар ўз навбатида тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда таянч ролини ўтамоқда. Ҳокимлик товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасига ўз биносида иккита хона ажратган. Палата қошида ахборот хизмат маркази ташкил этилган. Бу марказ ходимлари тадбиркорларга бизнес режа тузиб бериш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш сингариларга кўмаклашмоқда. Юридик маслаҳатлар беришаётир.

Пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти Россиянинг Новгород шаҳри ўрмон саноати хўжалиги билан устав жамғармаси 150 минг АҚШ доллари бўлган қўшма корхона қуришга шартнома тузган. Келгусида қўшма корхонада пахта чиқити қайта ишланиб, тиббиёт момиқлари тайёрланади. Бундан ташқари бу ерда жун ва терини қайта ишлайдиган цехлар барпо этилади.

С.Мирзаев бизга тобора кенг ёйилаётган ҳунармандчилик, айниқса, истиқболи кўриниб турган кулолчилик, туманда ишга туширилаётган хусусий савдо, маиший хизмат кўрсатиш нуқталари, бозор ва Жума автомобил йўли ёқасида қурилаётган ва қурилажак иншоотлар хусусида гапириб берди. Тадбиркорларни маблағ билан таъминлаш қай аҳволда эканлигини яхшироқ билиш мақсадида туман ҳиссадорлик тижорат тадбиркор банки бошқарувчиси Аслиддин Усмонов ҳузурида бўлдик.

- Шу йилнинг биринчи апрел ҳолатига кўра, - деди у, - тадбиркорларга ўн тўрт миллион сўм қисқа муддатли маблағ берилди. - Чорвачилик, паррандачилик, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ўрта муддатли, бир йилдан беш йилгача ўн тўққиз миллион сўм маблағ тарқатилди. Якка тартибдаги тадбиркорларни ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаяпмиз. Якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғуланувчи жисмоний шахсларга бир миллион 200 минг сўмлик маблағ берилганлиги бунинг далилидир. Эндиги амалга ошираидиган ишимиз деҳқон-фермерларга берилиши режалаштирилган 20 миллион сўмлик маблағни таъминлаш.

- Менга «Пахтабанк»идан икки миллион сўм маблағ берадиган бўлишди, - дейди биз билан суҳбатда «Аслиддинжон» фермер хўжалиги раиси Кўчар ака Худойқулов. - Бу маблағга насчилик хўжаликларидан пул кўчириш йўли билан зоти яхшиланган чорва молларини сотиб олмоқчимиз.

К.Худойқулов раислик қилаётган фермер хўжалигида 42 гектар майдонда деҳқончилик қилишаркан. Фермер хўжалиги ўз тракторига, сеялка, тележкасига эга. Кўчар ака ва унинг фарзандлари ўз ишларидан ортиб қўшни фермерларга ҳам уруғлик чигитни ерга қадашда кўмаклашибди. Улар ўтган йили дашт шароитида ҳар гектар майдондан 40 центнердан пахта ҳосили олган. Биргина ўтган йилнинг ўзида фермер хўжалиги пахта ва ғалладан уч миллион сўм даромад қилган.

Кўриниб турибдики, тадбиркорликка йўл бериш юртни бойитади, дастурхонни тўкин қилади, мулкдорлар сафи тезроқ ортишини таъминлайди. Таққослайлик: минг гектарлаб майдонда деҳқончилик қилган жамоа хўжаликлари қай бирида Кўчар аканинг далаларидагидек иш тежамли, самарали. Демак, тадбиркор: унга бугун кимлар мададкор? Ана шу тадбиркорларга мададкор одамлар она замин узра саховатли, ҳуқуқий демократик давлат қуриш иштиёқида ёнаётган, эл-юрт эртанги равнақини ўйлаётган эзгу ниятли инсон сифатида баҳоланмоғи даркор. Бу истиқлол талаби, давр талаби.

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири**



Сирдарё вилоят давлат божхонасига қарашли 4-сон «Сирдарё» маскани жамоаси ҳам жисмонан бақувват, ҳам маънавий жиҳатдан етук ходимлардан таркиб топган. Бу ерда моддий бойликларимизнинг ноқонуний четга олиб чиқиб кетилишининг олди қатъият билан тўсилаяпти.

Суратда: (ўнгдан) маскан бошлиғи Усмонали Чинтошев, Зарифжон Ниёзов, Фарҳол Бўрибоевлар билан суҳбатда.

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат**

*Надомат*

# «ЧИГАЛИНИ ЁЗМОҚЧИ» ЭДИ...

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳаётда рўй бераётган жиноятларнинг аксариятиароқхўрлик билан боғлиқ. Ароқнинг инсон соғлиғига, оила барқарорлигига, жамият маънавиятига етказадиган зарари бисёр. Энг ёмони, бу оғу уни истеъмол қилган кишини виждонсиз ва уятсиз қилиб қўяди. Виждонини йўқотган, уятдан юз бурган кимса эса ҳар қандай жиноят йўлига кириб кетиши тайин. Акс ҳолда эндигина ўттиз ёшни қоралаган Шавкиддин Умаров ақлини ароққа олдириб, оқибатда ҳамқишлоқлари, қариндош-уруғлар олдида бош эгиб, бир кўйга тушиб, мулзам бўлиб ўтирмасди.

Аслида Шавкиддин Жомбойга иш билан келган эди. Бироқ ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, у шаҳар айланиб, дўконлар пештахтасида турган ароқни кўргач, чидаб туролмади. Аввал нафсини қондириб олгиси, кейин бошқа ташвишларга урингиси келди. Бироқ нафс балоси ҳа деганда қонмади, Жомбойга қишлоғидан нима ниятда келгани эса тамом ёдидан кўтарилиб кетди.

Ёмоннинг ошнаси кўп, жонига фойдаси йўқ, дейди халқимиз. Ўзига ўхшаган саёқларни топиб олган Шавкиддин Умаров шу куни роса «чигалини ёзди». Бир пайт узоқдан шитоб билан келаётган енгил машина кўзига танишдай кўриниб, олдини тўсиб югуриб чиқди. Адашмаган экан - ҳамқишлоғи, ўзидан бир неча ёш катта Раим ака Қўчқоров. Бироқ ақл-ҳушини ароққа олдириб қўйган Шавкиддин ҳозир муроса-ю мадора қиладиган аҳволда эмас, у мисоли шерга айланган, энди ўзининг кимлигини бир кўрсатиб қўйиши керак эди. Ароқхўр йигитнинг қонини кўпиртирган шайтон васвасаси ўз кирдикорини қилди: ҳамқишлоғини таниб, машинасини тўхтатиб тушиб келган Раим Қўчқоров дабдурустдан бошига тушган кучли зарбадан ҳушини йўқотиб йиқилди. Шундан сўнг ҳам жазавага минган Шавкиддин ҳамқишлоғини аяб ўтирмади, роса «сийлади». Атрофдаги одамлар ажратиб олишмаганда, бу безориликнинг оқибати жуда хунук тугаши тайин эди.

Юз-кўзи қонга беланган, бир қўли синиб, ўзини тамом йўқотган Раим Қўчқоров милиция ходимлари ёрдамида шифохонага етказилади, ҳушига келган Шавкиддин эса хумдай бошини ердан узолмайди: оқ ароқнинг кайфида қилган қора иши унинг обрўсини ҳамқишлоқлари олдида ер билан битта қилган эди.

Тергов маҳалида аён бўлишича, бу иккала ҳамқишлоқ орасида олдин ҳеч қандай келишмовчилик юз бермаган экан. Шавкиддин афсус-надомат чекиб, айбини тўла гарданига олиб, ҳамма балога ўша ароқ сабабчи эканини айтиб шафқат тилади. Сўнгги пушаймоннинг эса нафи жуда кам. Жомбой туман судининг очиқ суд мажлиси судланувчи Шавкиддин Умаровни уч йил озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Биз ҳикоя қилган ушбу воқеа ҳали-ҳануз ўз юриш-туришини бир меъёрга сола билмаган, интизомли, ахлоқли турмуш тарзига кўникмаган, кўнгил майлига бўйсуниб ароққа топинадиган айрим кишиларга бир сабоқ бўлар, деб умид қиламиз. Бизнинг халқимизга хос одоб-ахлоқ, урф-одат ароқхўрликдай машъум иллат билан мутлақо муроса қилолмайди. Динимиз эса бу оғунинг тамом бахтсизлик ва омадсизлик сабабчиси эканини уқтиради: «Эй имон келтирганлар, албатта, ароқ, қимор, будпарастлик ва фолбинлик ифлос нарсалар бўлиб, шайтоннинг ишидир. Бу нарсалардан четланинг, тоинки нажотга эришсаларингиз» («Моида» сураси, 90-оят).

**Зафар ОТАҚУЛОВ,
Жомбой туман суди раиси**

*Ичкиликбозлик - иллат*

# БУРЧ УНУТИЛГАЧ...

**Ичкиликбозлик ҳар қандай замонда ҳам қораланган. Абул Фаррожнинг ёзишича, ичган одам тўрт хусусиятга эга бўларкан. Дастлаб у товусга айланиб, ўзини кўз-кўз қиларкан, ҳаракатлари равон ва улуғворлик касб этаркан. Кейин маймун қиёфасига кириб, ҳамма билан ҳазиллашиб, майнавозликка ўта бошларкан. Ундан сўнг эса шерга ўхшаб ўзига бино қўяркан, мағрурлиги тутиб, кучига ишониб кетаркан. Лекин охирида чўчқага айланиб, ахлатга ағанаб ётаркан.**

**Гоҳо у ер, бу ерда юмалаб ётган масталаст кишиларга кўзинг тушганда, юқоридаги фикрнинг тўғрилигига имонинг комил бўлади. Шундай экан, одам боласи ичкиликбозликка муккасидан кетгандан кейин эмас, балки бу иллатга берила бошлагандаёқ кўпчилик бўлиб унинг олдини олишга киришиш зарур. Аммо баъзи ҳолларда бунинг аксига ҳам гувоҳ бўлмоқдамиз. Фикримнинг исботи учун бўлиб ўтган бир воқеа тафсилотини баён қиламан.**

**Бир хонадонда эр-хотин ва уларнинг ҳали вояга етмаган икки нафар фарзанди ҳаёт кечиришарди. Айни пайтда аёл учинчи фарзандга ҳомиладор эди. Турмушлари бинойидек давом этар, эр-хотин ишлаб топганини уйга ташиб, болаларга қувонч улашиб, осуда ҳаёт кечиришарди.**

**Аммо ўша эркак ишлаётган қурилиш ташкилотига янги бир одам ишга келди-ю, таъсирини айрим иродаси бўшроқларга, жумладан, биз ҳикоя қилаётган оила бошлиғига ҳам ўтказа бошлади. У янги ходим билан тезда дўстлашиб, ундан айрилмайдиган, ичкиликни жондилидан яхши кўрадиган, оилани эса иккинчи даражали деб биладиган бўлиб қолди.**

**Бир куни ҳомиладор хотини икки гўдаги билан уйда ўралашиб, маст ҳолда қайтган эрига аҳамият бермади. Бир пайт икки ярим яшар қизалоғини яхши кўриб осмонга отиб ўйнатаётган эрини кўриб қолди-ю, қўрқиб кетди. Отаси қизчани шу қадар юқорилатиб отар, аммо уни ушлаб қолишда гандираклаб кетиб, ўз мувозанатини йўқотарди. Аёл қизчасини ушлаб қолиш учун шошилди. Аммо улгуролмади. Қизалоқ ерпарчин бўлди. Оғзи-бурнидан қон оқиб, ҳушидан кетди. Аёл уни бир ҳафта алоҳида парваришлаб, ўзига келтириб олди. Ўша воқеадан кейин ҳомиладор аёлнинг юраги тез-тез урадиган бўлиб қолди.**

**Кунлар ўтиб борар, ичкиликка кўнгил бериб, ўзини тобора йўқотиб бошлаётган эркакни хотинидан бошқа ҳеч ким тергамас, «Ҳой, кўзингга қарасангчи?!» демасди.**



**Оила бошлиғининг уйга ичмасдан келадиган куни йўқ эди. Бир куни у ўзини билмас даражада ичиб келди-ю, хотинининг тоқати тоқ бўлди. Учтўрт маҳалла нарида яшайдиган қайнона ва қайнотасига хабар юбориб, арз қилди. Аммо улардан дарак бўлмади.**

**Маст эр гандираклаб, оғзидан боди кириб, шоди чиқарди. Юрагини олдириб қўйган аёл аввал уни яхшиликча ётқизиб ухлатмоқчи бўлди, лекин бунинг уддасидан чиқа олмагач, зўр бериб болаларга ёпишаётган мастдан қочиб, гўдакларни кўчага олиб чиқди. Эс-ҳушидан айрилган маст эр гандираклай-гандираклай уларнинг ортидан эргашди. Ҳаммага томоша кўрсатиб, бақириб-чиқириб аёлини чақира бошлади. Болалар қўрқувдан титрашди. Аёл яқин атрофдаги идорага кирди-ю, эрининг амакисига қўнғироқ қилди. Ундан қайнотасига аҳволни маълум қилишини сўраб, илтимосу илтижо айлади. Телефон гўшагини ўрнига қўяркан, «Ҳар ҳолда амакиси педагог одам, бундай масалаларни тўғри ҳал қилади, бефарқ бўлмайди» дея ўзига тасалли берди.**

**Орадан икки соталар ўтгач, мастнинг отаси ва амакиси келишди. Йигит уларни тентирай-тентирай уйга киргизди. Хотинига тезда меҳмонларга овқат қилишни буюрди. Орадан бироз фурсат ўтиб, хонадонга йигитнинг ўша биз билган янги дўсти хотини билан меҳмондорчиликка келиб қолишди. Албатта, унинг ҳам кайфи таранг эди.**

**Маст эр меҳмонлар билан ўралашиб, аёл унинг машмашаларидан қутилди. Келган меҳмонлар ҳурмати учун овқат тайёрлади, елиб-югурди. Эркаклар яна ичишди.**

**Мана, азизлар, асосий масала-мавзуга энди яқинлашдик. Меҳмондорчилик тугагач, педагог амаки чиқиб кетаётиб, келинга танбеҳ берди, эр устидан кимгадир шикоят қилиш жуда ёмон ҳоллигини қайта-қайта таъкидлаб, иккинчи бундай қилмасликни тайинлади. Келин шўрлик ширакайф амакидан кечирим ҳам сўради...**

**Орадан икки соатлар чамаси ўтиб, ўша эркак маст ҳолатда мотоцикл бошқариб кетаётиб, фалокатга учради ва оламдан кўз юмди.**

**Ҳа, ўша йигитни бу ҳалокатли йўлдан қайтариш учун барча кучлар мавжуд бўла туриб, шундай қилинмади. Унинг уч гўдаги етим бўлиб қолди. Бу воқеа барча ота-оналарга, кенг жамоатчиликка, қолаверса, участка нозири бўлиб ишлаётган милиция ходимига ҳам сабоқ бўлиб, тарбиявий таъсирнинг барча усулларидан фойдаланган ҳолда инсонни ёмон йўлдан қайтариб қолиш бурч, қолаверса, савоб ҳам эканлигини унутмаслигимиз керак.**

**Салима ҚИЛИЧЕВА,
«Инсон ва қонун» мухбири**



Ёз яқин, таътил яқин!

